

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГАЕВ ЖАМБУЛ АДИБАЕВИЧ

**ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИ ЯХШИЛАНГАН КОМПЛЕКС
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БЕТОН**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тургаев Жамбул Адилбаевич

Эксплуатацион хоссалари яхшиланган
комплекс модификацияланган бетон 3

Тургаев Жамбул Адилбаевич

Комплексно модифицированный бетон
с улучшенными эксплуатационными
свойствами 21

Turgayev Jambul Adilbaevich

Complex modified concrete with
improved performance properties 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГАЕВ ЖАМБУЛ АДИБАЕВИЧ

**ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИ ЯХШИЛАНГАН КОМПЛЕКС
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БЕТОН**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/T2010 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Цой Владимир Михайлович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Баходиров Азизбек Абдулазизович
техника фанлари доктори, профессор

Турапов Махмуд Турапович
техника фанлари номзоти, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «28» декабрь соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. ТАҚИ, Архитектура факультети. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№66 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси 7-уй. Тел.: (99871) 232-43-30; факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил « 13 » декабрь кунин тарқатилди.
(2021 йил « 17 » ноябрь даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Аскарлов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон қурилиш амалиётидаги ривожланишлар портландцемент асосидаги бетон ва темирбетонга бўлган талабни тобора ортиб боришига олиб келмоқда. Бу борада «International Federation for Structural Concrete» халқаро федерацияси маълумотларига¹ кўра сўнги йилларда жаҳонда йилига 4,2 млрд. тоннадан ортиқ портландцемент ва ундан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган бетон ва темирбетоннинг ҳажми эса 12,5 млрд. м³ дан ортиқни ташкил этмоқда. Шу жиҳатдан бетон ва темирбетон конструкцияларини ишлаб чиқаришдаги устивор вазифаларидан бири турли минерал ва кимёвий қўшимчалардан фойдаланиб бетон қоришмасини модификациялаш, мавжуд ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини, умрбоқийлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бетоншунослик соҳасида боғловчи ва майин тўлдиргичларга механик, механокимёвий ишлов бериб фаоллаштириш, кимёвий ва минерал қўшимчалар билан модификациялаб бетонда структура ҳосил бўлишини бошқариш, бетон қоришмаси таркибини оптималлаштириш орқали тайёр маҳсулотнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини ошириш, бетоннинг хоссаларини пасайтирмаган ҳолда бетоннинг энг қиммат бўлган компоненти портландцементни иқтисод қилиш, ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада юқори зичлик, паст капилляр ғоваклик ва гидратланган минералларнинг янгидан пайдо бўлишининг кўпайиши, шу билан бирга цемент тоши структурасини тартибга солиш имконини беради комплекс қўшимчалар мажмуасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожлантириш, мавжуд ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, ...»² муҳим вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, комплекс модификаторлардан фойдаланган ҳолда юқори сифатли конструкциялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

¹ <http://enciklopediyastroy.ru>, <https://link.springer.com>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 9 августидаги ПҚ-3190 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сейсмология, сейсmobардош қурилиш ва аҳолининг сейсмик хавфсизлиги соҳасидаги тадқиқотлар ўтказилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 28 сентябридаги ПҚ-2615 «Қурилиш саноатини 2016-2020 йилларга янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цемент бетонларнинг эксплуатацион ва мустаҳкамлик тавсифларини яхшилаш муаммосида бетонлар структурасини комплекс модификаторлар билан модификациялаш соҳасидаги тадқиқотлар муҳим ўрин тутди. Цемент тизимларига ана шундай қўшимчалар қўшишдан фойдаланишга хорижлик таниқли олимлар В.М. Москвин, И.П. Александрин, Ю.М. Баженов, В.И. Соломатов, В.Г. Батраков, И.Н. Ахвердов, Г.Г. Вагнер, А.В. Волженский, Г.И. Горчаков, В.С. Демьянова, П.Г. Комохов, В.И. Калашников, С.В. Шестоперов, А.Е. Шейкин, V. Yogendran R. Fere, S. Sarcar, G. Hintze, F.J. Hogan, L.U. Spellman, H. Uchikawa, Sh. Hanehara, F. Lallard, T.S. Do, A. Durecovic, I. Older ва шу кабилар асос солганлар.

Ўзбекистон Республикасида комплекс-модификацияловчи қўшимчаларни қўллаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан турли йилларда Э.У. Қосимов, М.К. Тахиров, Н.А. Самигов, А.И. Адилходжаев, Х.Х. Камилов, Б.Б. Хасанов, У.А. Газиёв, Н.Х. Талипов, А.А. Тўлаганов, И.М. Махаматалиев, В.М. Цой ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим натижаларга эришганлар.

Аввалроқ ўтказилган тадқиқотлар кимёвий модификаторлар ва минерал тўлдирувчиларнинг цемент тизимига кўрсатадиган таъсир механизми масаласини кенг ёритиб бердилар. Бироқ цемент тоши структурасига, цемент ва тўлдиргич орасидаги ўтиш зонаси қалинлиги ва зичлигига таъсир кўрсатадиган қўшимчалар комплекси таъсири масаласи, уларни бетоннинг ишлаш муддатини узайтиришда асосий ўрин тутадиган структура ҳосил қилиш даврларига кўрсатадиган таъсири кам ўрганилганича қолмоқда. Шу билан бирга кимёвий модификаторлар тури ва таркибининг бетон хоссаларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш вазифаси ҳам кам ўрганилган муаммолигича қолмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда фаол минерал қўшимчалар, суперпластификатор ва модификацияланган гидрофобизатор асосидаги қўшимчалар комплексинан фойдаланиб, мустаҳкам бетон композицияларини ишлаб чиқишда тадқиқотлар олиб бориш ва янада батафсил ўрганишни талаб қилувчи долзарб вазифадир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти, Тошкент давлат транспорт университетининг БВ-Ф-4-04 илмий кенгаш томонидан тасдиқланган “Композицион материалларнинг полиструктурали назарияси асосида кўп компонентли юқори сифатли бетонлар таркибини оптимал лойиҳалаш ва хоссаларини башорат қилишнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суперпластификатор, микрокремнезём ва модификацияланган гидрофобизаторни комплекс равишда қўллаш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси М400 портландцементи асосидаги эксплуатацион хоссалари яхшиланган кўп компонентли бетон олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қўшимчалар мажмуасига эга бўлган цемент тошининг структура ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлаб олиш;

бетон қоришмаси таркибларини оптималлаштириш;

бетон қоришмаси ва бетоннинг технологик, физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

тадқиқотларнинг тажриба-ишлаб чиқариш синовларини (апробациясини) ва тадқиқот натижалари техник-иқтисодий асосларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти - Қорақалпоғистон Республикасининг оддий М400 портландцементи асосида минерал-органик қўшимчалардан фойдаланган ҳолда комплекс модификацияланган бетонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб комплекс модификацияловчи қўшимчалар қўшиб тайёрланган бетоннинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотлар давомида замонавий физик-кимёвий таҳлил услублари, цемент бетони сифати, хоссалари ва кўрсаткичларини стандартлаштирилган услубларда синаш, шунингдек таркибларни лойиҳалаштиришнинг математик услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минерал ва органик қўшимчалар комплекси таъсир этиш механизмини ҳисобга олган ҳолда улардан кўп компонентли бетонларда фойдаланиш асосланган;

органик ва минерал қўшимчалар комплексининг таъсири ҳисобига қотаётган цемент тошида юқори зичлик, паст капилляр ғоваклик ҳосил бўлиши аниқланган;

цемент тошининг физик-механик ва эксплуатация хоссалари органик ва минерал қўшимчалар комплекси миқдorigа боғлиқлиги аниқланган;

минерал ва органик қўшимчалар комплексига эга бўлган кўп компонентли бетон мустаҳкамлигининг фойдаланилган қўшимчалар (суперпластификатор, микрокремнезём, модификацияланган гидрофобизатор) миқдorigа боғлиқлигини ифодаловчи математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг оддий М400 портландцементи асосида минерал-органик қўшимчалар мажмуига, ҳамда юқори эксплуатацион хоссаларга эга бўлган бетон қоришмаларининг оптимал таркиблари ишлаб чиқилган;

комплекс минерал-органик қўшимчаларнинг қўлланиши тайёр маҳсулотларнинг эксплуатацион тавсифларини икки баробар яхшилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий асбоблар ва экспериментлар ўтказишнинг стандарт услубларидан фойдаланган ҳолда, тадқиқот маълумотларининг меъёрий ва таклиф этилган услублар билан ўтказилган қиёсий таҳлили, юқори даражада мувофиқликка эришилган назарий тадқиқотлар ва экспериментлар натижалари, шунингдек, тавсия этилган ишланмаларни ишлаб чиқариш шароитларида апробация қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар суперпластификацияловчи қўшимчалар, фаол минерал қўшимча ва модификацияланган гидрофобизатор мавжудлигида цемент бетонларнинг структура ҳосил қилиши тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштириб, буларнинг бари бетон структура ҳосил қилиш назарияси ва амалиёти, бетон технологияси ва хоссаларини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти минерал-органик қўшимчали комплекс модификацияланган бетонлар таркибда компонентларнинг сифатини аниқлаш учун суперпластификацияловчи қўшимчалар, фаол минерал қўшимча ва модификацияланган гидрофобизаторларни танлаб олишнинг илмий-асосланган усули бўлиб, юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига эга бўлган маҳаллий материаллар ва хом ашё ресурсларига асосланган ҳолда оптималлаштирилган таркибдаги бетонларни олишдан ва уларни ишлаб чиқариш амалиётида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эксплуатацион хоссалари яхшилانган комплекс модификацияланган бетонни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

минерал-органик қўшимчалар комплексин қўллаган ҳолдаги пойдевор блокларининг оптимал таркиби «Тахиаташ темир бетон» МЧЖ ва «Евро бетон» ТБМ МЧЖ корхоналарида темирбетон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 05-сентябрдаги №01-07/01-1995 маълумотнома). Тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши бетоннинг мустаҳкамлик бўйича кўрсаткичларини 10-15 % га, совуққа бардошлилиги ва сувга чидамлилигини икки баробар ошириш имконини берган;

амалга оширилган жараёнлар натижасида ишлаб чиқилган комплекс қўшимчали бетоннинг оптимал таркиби ва технологиясидан йиғма бетон ва

темирбетон ишлаб чиқаришига татбиқ этилишидан олинадиган иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилди. Натижада МЧЖ «ЕВРО БЕТОН» заводи учун 420,5 млн. сўмни, ООО «Тахиаташ темир бетон» заводи учун 265,8 млн. сўмлик иқтисодий самара олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий, илмий-техник конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Улардан, 8 та илмий мақола, шулардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда, шу жумладан хорижий журналларда 2 та, республика журналларида 6 та чоп этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, беш боб, хулоса қисми, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ҳал қилинаётган муаммо долзарблиги ва диссертация мавзусининг зарурлиги асосланиб, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқлик киритилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотлар илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги баён этилган, тадқиқотлар натижаларининг синовдан ўтказилганлиги ҳамда диссертация иши мавзуси бўйича нашр этилган илмий асарлар тўғрисидаги, шунингдек диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бетоннинг композицион материал сифатидаги узоқ муддат хизмат қилиши тўғрисидаги замонавий тасаввурлар”** деб номланган биринчи бобда кўриб чиқилаётган мавзу бўйича илмий тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Адабий манбалар таҳлилидан аниқланишича, бетоннинг узоқ муддат ишлаши намлик ва ёғин-сочинлар, агрессив органик ва минерал муҳитлар, денгиз ва ер ости сувлари, қуёш нури ва ҳарорат кўтарилиб-тушишининг таъсири, унга таъсир қиладиган динамик ва статик юклар мавжудлиги ва уларнинг қиймати каби қатор омилларга боғлиқ. Аксарият ҳолларда бетоннинг узоқ муддат ишлашини белгилаб берадиган ташқи емирувчи омилларининг биргаликдаги таъсири мавжуд бўлади. Бетон қоришмасининг таркибини мувофиқлаштириб бориб, унинг юқори даражадаги зичлиги ва сув ўтказмаслигини таъминлаш мумкин. Структура ҳосил қилувчи ва гидрофоблайдиган махсус қўшимчалар мажмуини тўғри танлаш билан бетонга зарур тавсифлар бериш ва мос равишда узоқ муддат ишлашини таъминлаш мумкин бўлади. Поликарбонксилатли суперпластификаторни ва минерал тўлдирувчини модификацияланган гидрофобизатор билан бирга

Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариладиган цементларда комплекс қўллашда бетондаги цемент тошининг ўзгаришлари етарли ўрганилмаган. Аниқланишича, поликарбонат суперпластификаторлар ва микрокремнезем фаол (актив) минерал қўшимчаси комплекс бирикмалар ҳосил қилиш билан $\text{Ca}(\text{OH})_2$ таъсирлашишга қодир бўлиб, буни бетоннинг узок муддат ишлашини таъминлаш учун ҳисобга олиш талаб этилади.

Бажарилаётган тадқиқотлар доирасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги ишчи фарази (гипотеза) шакллантирилган. Тўлдирилган цемент тизимида кечаётган физик-кимёвий ўзаро таъсирлар қонуниятлари тўғрисидаги замонавий тасаввурларга асосланган ҳолда, ҳамда микрокремнезем ва суперпластификаторни гидратация кечиш шароитларини яхшилаш учун имкониятлар яратишга қодир бўлган фаол минерал қўшимчалар сифатида кўриб чиқиб, талаб этилган физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларни йўналтирилган тарзда шакллантириш билан, модификацияланган гидрофобизаторни эса бетон ичига намлик киришига йўл қўймайдиган тўсиқ деб қараб, Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариладиган портландцементларда кўп компонентли бетоннинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар услублари ва қўлланган материаллар**» номли **иккинчи бобида** кўп компонентли бетон қоришмаси олиш учун бошланғич хом ашё материалларининг тавсифлари ва экспериментал тажрибалар бажариш учун қабул қилинган тадқиқот услублари келтирилган.

МБС тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг икки хил «Титан» ва «Қорақалпоқ» заводларининг портландцементи фойдаланилди.

Инерт тўлдирувчилар сифатида йириклик модули $M_k = 1,5-1,0$ бўлган Нукус карьерининг қуми ва Кекликтау конидан олинган шағал жинсига хос (порфирит) ишлатилди – VI ГОСТ 8267-93.

Фаол (актив) минерал қўшимча сифатида Бекобод металлургия комбинатининг микрокремнеземи қўлланди ТУ 00186200-12:2019.

MasterGlenium суперпластификатори – юқори даражадаги самарали сув редукцияловчи ва пластификацияловчи қўшимча. Поликарбонат эфири асосидаги учинчи авлод универсал суперпластификатори бўлиб ҳисобланади.

Гидрофоблаштирувчи қўшимча - натрий метилсиликонати сув аралашмаси бўлиб, унинг молекулалари цемент тошининг гидратацияланиш жараёнларини секинлаштириш мақсадида дастлаб микрокремнеземга чўктирилди.

Тадқиқот услублари диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб танланган. Экспериментал тадқиқотларда стандарт тадқиқ этиш услублари амалга оширилди: физик-механик, физик-кимёвий ва математик статик усуллар.

Диссертациянинг «**Модификатор қўшимчали цемент тошининг структураси ва хоссаларини ўрганиш**» деб номланган **учинчи бобида** цемент тошининг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Цемент тоши хоссаларини тадқиқ этишда уч омилли эксперимент режаси амалга оширилиб, унда энг аҳамиятли омиллар сифатида

поликарбоксилат суперпластификатор, микрокремнезем ва модификацияланган гидрофобизатор меъёрлари қабул қилинган. МК пуццоланли кўшимча бўлганлигини ҳисобга олиб, C_3S гидролизи жараёнида ажралиб чиқадиган кальций гидроксиди билан ўзаро таъсирлашгани сабабли уни боғловчи компоненти деб ҳисоблашга, сувга бўлган эҳтиёжни эса сув-цемент нисбатига кўра эмас, балки сув-боғловчи нисбатига кўра баҳолаш қабул қилинган. Аниқланишича, суперпластификаторни МК билан бирга кўшишда цемент хамирининг нормал қуюқлиги қиймати кўшимчасиз таркиб даражасида ($C/B=0,26$) сақланиб, СП+МК+МГ $C/B=0,224$ кўшилганида эса бу ҳодисани цемент доначалари усти қисман гидрофобизатор молекулалари билан қопланиши орқали изоҳлаш мумкин.


Олинган маълумотларга кўра цемент тошининг сиқилишга мустаҳкамлиги асосан C/B нисбатига боғлиқ. МК кўшилганида гидратация ҳосилаларининг модификацияланиш самараси фақат цемент тоши намуналарининг “ёши” катталаниши билан намоён бўлади.

Цемент тошига цемент массасининг СП-0,8 %, МК-6–8 % ва МГ-0,06 % меъёрида кўшимчалар кўшиш, бетоннинг дастлабки қотиш кунларида структура ҳосил бўлиш жараёнларини тезлаштириб, унинг энг катта мустаҳкамликни таъминлайди (17 МПа). Цемент тоши асосан 14 кунгагача бўлган дастлабки даврда жадал мустаҳкамликка эришиб, унинг максимал мустаҳкамлиги 30 МПа гача етади.


Цемент тоши 28 кунлик пайтида, СП 0,8 %, МК 6–8 % ва МГ 0,08 % кўшимчалари бирга киритилган ҳолида, цемент тошининг мустаҳкамлиги 52 МПа қийматига етиб, кейинчалик яна 55 МПа га қадар кўтарилиши мумкин. 0,5–1 % миқдорида СП кўшилган цемент тоши мустаҳкамлик даражаси 55 МПа дан ошиб, бу $C/B=0,21$ кўрсаткичининг нисбатан пастлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, кўшимчалар мажмуини кўшиш билан эркин кальций гидроксиди миқдори анча камайиб, бу ҳол унинг структураси асосан юқори асосли $C-S-H(I)$ гидросиликатлардан шаклланиши билан изоҳланади.

Буни 28 кунлик, кўшимчалар кўшилмаган цемент тоши билан ўтказилган тадқиқотлар рентгенфазали таҳлили маълумотлари натижалари ҳам тасдиқлайди (1-расм).




Кўшимчасиз цемент тошининг рентген-фазавий таҳлили маълумоти




Цемент тоши СП+ МК+МГ рентгенфазавий таҳлили маълумоти

1-расм. Цемент тошларининг рентгенфазавий таҳлили маълумотлари.



Қўшимчасиз 28 кунлик цемент тоши ИҚ таҳлили маълумоти





СП+МК+ МГ 28 кунлик цемент тоши ИҚ таҳлили маълумоти



2-расм. Қўшимчасиз ва модификацияланган цемент тошининг ИҚ таҳлили маълумотлари.

«Титан» заводида ишлаб чиқарилган цементда ҳам шу каби кетма-кетлик кузатилган.



Электрон растрли микроскопияни қўллаган ҳолдаги қўшимча қўшилмаган цемент тошини тадқиқ этиш натижалари ИҚ таҳлили маълумотларини тасдиқлайди (3-расм).



Қўшимчасиз цемент тошининг микротузилиши ва таркиби.



МК цемент тошининг микротузилиши ва таркиби.



СП+МК+МГ цемент тошининг микротузилиши ва таркиби.

3-расм. Электрон растрли микроскопия маълумотларини ўрганиш.

Цемент тошининг синган жойи юзаси тахлили шуни кўрсатдики, синик юзасида шакланган кристаллар $\text{Ca}(\text{OH})_2$, кучсиз кристаллашган, C–S–H(II) типли кальций гидросиликатларидан иборат массаси кўриниб турибди.

МК қўшимчаси билан модификацияланган цемент тоши, қўшимчасиз цемент тошидан зич юзаси, чиғаноқсимон-зирапчали синиғи ва C–S–H(II) фазали қуйи асосли кальций гидросиликатларидан иборат таркиби ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ микдорининг озлиги билан фарқ қилади.

Портландит цемент тошида гидросиликатли ташкил қилувчилар орасида жойлашган кичикроқ участкалар кўринишида тақсимланади.

Қўшимчалар билан модификацияланган цемент тоши синик жойининг юзасида (3-расм) кучсиз кристаллашган C–S–H(I) фаза соҳалари кўриниб турибди.

Цемент тоши таркибига СП+МК+МГ қўшиш кучсиз кристаллашган пластинкасимон шакли, C–S–H(I) типли гидрат фазаларидан структура шаклланишига кўмаклашиб, бу унинг зичлиги ва мустаҳкамлиги яхшиланишига олиб келади.

Рентгенфазали тахлил ва электрон микроскопия маълумотларидан шу нарса келиб чиқадики, қўшимчалар мажмуини қўшишда цемент тоши структурасида анча камроқ эркин кальций гидроксиди мавжуд бўлар экан.

Турли қўшимчалар қўшилган цемент тоши структурасининг чидамлилиги цикли намлаш ва қуритишлар, шунингдек музлатиш ва эритишлар натижаларига кўра баҳоланди.

Назорат намуналари ташқи таъсирларга дуч келмай, асосий намуналар билан бир вақтда синовдан ўтказилган. Тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган. Аниқланишича, цикли музлаш ва эриш цикли намланиш ҳамда қуритишга нисбатан камроқ агрессив жараён бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган қўшимчалар мажмуини цемент тошининг шакллантириладиган структурасига қўшишда кальций гидроксиди ва адсорбцион боғлиқ сув микдори цикли таъсирларга қадар ва улардан кейин деярли ўзгармайди.

1-жадвал

Модификаторлар ва цикли синовларнинг цемент тоши мустаҳкамлигига кўрсатадиган таъсири

Модификатор	С/Ц	Назорат қийматлари		Цикли музлаш		Цикли намланиш	
		МПа	%	МПа	%	МПа	%
0,8% СП (Титан)	0,230	42,5	100	38,5	77	35,5	56
0,8% СП (Каракалпак)	0,240	40,5		36,5	76	33,5	54
0,8% СП +8% МК +0,05% МГ (Титан)	0,230	50,5		48,5	92	45,5	86
0,8% СП +8% МК +0,05% МГ (Каракалпак)	0,240	48,5		44,5	83	43,5	83

Шундай қилиб, СП, МК ва МГ каби модификацияловчи қўшимчаларни қўшиш цемент тошининг намланиш ва қуришга, шунингдек музлашга ва

эришга чидамлилигини оширишга кўмаклашиб, булар Са(ОН)₂ миқдори кам бўлган йўналтирилган ҳолда кучсиз кристаллашган структурани шакллантириш билан таъминланади.

«Комплекс модификацияланган бетон хоссаларини тадқиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобда бетон қоришмаси ва оғир бетонларнинг хоссалари тадқиқ этилди.

Модификацияловчи қўшимчали бетон таркиби мутлоқ ҳажмларнинг стандарт услубига биноан ҳисоблаб топилди (2-жадвал).

2-жадвал

Бетоннинг композицион таркиби 1 м³ учун

Модификацияловчи қўшимча	Цемент	Микрокремнезём	Пластификатор	Сув	Қум	Чақик тош	С/Ц	Бетон қоришмасининг ўртача зичлиги, кг/м ³
Қўшимчасиз	645	–	–	200	672	925	0,31	2444
СП (Қорақалпоқ)	456	–	4,55	130	790	1091		2479
СП (Титан)	435	–	4,31	135	810	1105		2486
СП+МК (Қорақалпоқ)	472	37,7	4,72	143	773	1043		2470
СП+МК (Титан)	470	37,4	4,65	142	764	1052		2475
СП+МК+МГ (Қорақалпоқ)	480	48	4,8	142	770	1030		2472
СП+МК+МГ (Титан)	470	48	4,8	141	765	1040		2479

Бетон қоришмасини тайёрлаш жараёнида қўшимчалар алоҳида-алоҳида меъёрланди ва қўшилди – куруқ микрокремнезём ва модификацияланган гидрофобизатор цемент билан, суперпластификатор эса – ички сув билан аралаштирилган.

Бетон қоришмасини синаш натижалари 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Бетон қоришмасининг технологик ва реологик тавсифлари

Модификацияловчи қўшимча	Зичлик, кг/м ³	ҚЧ, см	Зичлик коэффициенти	Қатламлашиш, %		Сақланувчанлик, дак.	Вариация коэффициенти, С _v , %
				Сув ажралиши	Қоришма ажралиши		
Қўшимчаларсиз	2402	4±1	0,985	0,3±0,1	2,5	30	5±2
СП (Қорақалпоқ)	2431	3±1	0,982	0,3±0,05	0,5	60	4±1
СП (Титан)	2433	4±1	0,980	0,15±0,1	0,4		3±1
СП+МК (Қорақалпоқ)	2432	2±1	0,984	0	0,2		3±2
СП+МК (Титан)	2434	3±1	0,983	0	0,3		2±1
СП+МК+МГ (Қорақалпоқ)	2433	8±1	0,985	0	0,2		3±2
СП+МК+МГ (Титан)	2437	6±1	0,986	0	0,3		2±1


Модификатор қўшимчаларининг турли қотиш муддатларидаги бетоннинг мустаҳкамлик хоссаларига кўрсатадиган таъсири 4-жадвалда келтирилган.

Композицион бетоннинг физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичлари

Модификатор	W, МПа	R _{үрт.} , МПа	S _n , МПа	V, %
28 кунда				
Кўшимчаларсиз	3,15	28,5	2,71	4,42
СП (Қорақалпоқ)	2,93	30,5	2,58	3,56
СП (Титан)	2,82	32,5	2,31	2,95
СП+МК (Қорақалпоқ)	3,27	34,5	2,73	3,33
СП+МК (Титан)	3,44	36,5	3,015	3,31
СП+МК+МГ (Қорақалпоқ)	3,30	38,5	2,37	4,80
СП+МК+МГ (Титан)	3,47	40,0	3,11	4,25

Олинган маълумотлардан кўшимчалар мажмуининг аҳамиятини қайд этиш талаб этилиб, у бетонда цемент тошининг кучсиз кристаллашган структураси шаклланишига кўмаклашиб, мос равишда, унинг мустаҳкамлигини ошириб, МГ молекулаларидан ҳосил қилинган тўсиқ эса сув киритмаслик таъсирини таъминлайди. СП ва МК каби модификацияловчи кўшимчалар кўшиш билан бетоннинг структура ҳосил қилиш жараёнларини жадаллаштириш бир кунлик бетоннинг мустаҳкамлиги уч баробар ўсишига олиб келса, бунда МГ кўшиш бу жараённи озроқ секинлаштиради.

Турли кўшимчалар кўшилган бетонларнинг массасига кўра сув шимувчанглик синаш натижалари 5-расмда тақдим этилган.




5-расм. 28 кунлик модификацияланган бетонларнинг сув шимувчанлиги хусусиятига оид синовлар натижалари.

Кўшимчалар мажмуи билан модификацияланган, 28 кунлик бетонларнинг сув шимувчанглик қиймати 6 % дан 2,2 % гача пасаяди.

Бетоннинг совуққа чидамлилиги бўйича маркази ГОСТ 25192-2012 га мувофиқ 3-тезлаштирилган услубга биноан аниқланди (5-жадвал).

Модификацияловчи кўшимчаларнинг совуққа чидамликка кўрсатадиган таъсири

Кўшимча тури	R _c МПа	F 100	F 200	F 300	F 400
Назорат	28,00	-	+	-	-
Қорақалпоқ +МК+МГ	38,50	-	-	-	+
Титан+МК+МГ	40,00	-	-	-	+



6 -расм. Модификацияланган бетонлар намуналарининг совуққа чидамлилиққа синаш натижалари

Шундай қилиб, СП, МК ва МГ қўшимчаларини биргаликда қўллаш – комплекс (биргаликдаги) таъсир оқибатида юқори даражали совуққа чидамлилиққа эга бўлган бетон олишнинг энг самарали йўлларида бири: цемент тошида портландит миқдоринининг камайиши ва кучсиз кристаллашган гидросиликатлар ҳосил бўлиши, ҳамда модификацияланган гидрофобизатор молекулалари томонидан сув ўтказмайдиган тўсиқ яратилиши, совуққа чидамлилиққа қаратилган қуйи ҳароратли давомли синовлари пайтида сақланиб қолади.

«Тадқиқотлар натижаларини татбиқ қилиш ва ишланма самарадорлигини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш» деб номланган бешинчи бобда бетон конструкцияларини тайёрлашнинг технологик схемаси таклиф этилиб, шунингдек ишлаб чиқилган бетонни тайёрлаш ва қўллашдан олинадиган иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилди.

Кўп компонентли бетонларнинг таркибларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар темирбетон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган икки завод «Евро бетон» ТБМ МЧЖ ва «Тахиаташ темир бетон» МЧЖ да амалга оширилди.

Ишлаб чиқилган технологик схемага мувофиқ (7-расм) фаол минерал қўшимча ва модификацияланган гидрофобизатор ярим куруқ ҳолдаги бетон қоришмасига қўшилиб, шундан кейин сувнинг қолган қисми билан суюқ СП киритилади. Заводнинг қурилиш лабораторияларида бажарилган экспериментал тадқиқотлар натижалари 6,7-жадвалда тақдим этилган.

6-жадвал


«Евро бетон» МЧЖ бетон қоришмаларини тайёрлаш учун материаллар сарфи меъёри

Бетон тоифаси	Маҳсулот номи	1м ³ бетон қоришмаси учун материаллар сарфи (номинал таркиби)				
		Цемент Кг	Бархан кум кг	Чақиқ тош кг	Сув л	Бетон қоришмасининг ўртача зичлиги, кг/м ³
B7,5 П2 F200 W2 (100)	(1-4) ФБС 240406	260	480	1400	185	2325

7-жадвал

«Евро бетон» МЧЖ товар бетонини тайёрлаш учун материаллар сарфи меъёри

Бетон маркаси	1м ³ бетон қоришмаси учун материаллар сарфи (номинал таркиби)				
	Цемент кг	Бархан қуми кг	Чақиқ тош кг	Сув л	Бетон қоришмасининг ўртача зичлиги, кг/м ³
М 200	420	380	1385	230	2405



7-расм. Модификацияловчи қўшимчалар мажмуига эга бўлган бетон олишнинг технологик схемаси

1-7 – композицион бетон қоришмасини ташкил қилувчилари бункери; 8 – кум ва шағал тақсимлагичи; 9 – бетон қориштиргич.

Оптималлаштирилган таркиблар 8-9 -жадвалларда келтирилган

8-жадвал

«Евро бетон» МЧЖ комплекс модификацияланган бетон қоришмасининг оптималлаштирилган таркиби

Бетон тоифаси	Маҳсулот номи	1м ³ бетон қоришмаси учун материаллари сарфи (номинал таркиби)							Бетон қоришмасининг ўртача зичлиги, кг/м ³
		Цем. кг	Барх. қуми кг	Чақиқ тош кг	Сув л	СП кг	МК кг	МГ кг	
В7,5 П2 F200 W6 (300)	(1-4) ФБС 240406	221	450	1420	178	2,4	39	0,13	2375

9-жадвал

«Евро бетон» МЧЖ товар бетони учун комплекс модификацияланган бетон қоришмасининг оптималлаштирилган таркиби

Бетон маркаси	1м ³ бетон қоришмасига материаллар сарфи (номинал таркиб)							Бетон қориш.ўртача зичлиги кг/м ³ ,
	Цем. кг	Барх. қуми кг	Чақиқ тош кг	Сув. л	СП. кг	МК. кг	Мод. гидр. кг	
М 200	357	385	1400	215	4,2	63	0,21	2435

«Евро бетон» заводи МЧЖ томонидан бетон қоришмаси тайёрлаш учун М 400 –Титан цементидан фойдаланилди.

10-жадвал

«Тахиаташ темир бетон» МЧЖда бетон қоришмаларини тайёрлаш учун материаллар сарфи меъёри

Маҳсулот номи	1м ³ бетон қоришмасига материаллар сарфи (номинал таркиб)			
	Цем. тн	Барх. қуми. м ³	Чақиқ тош. м ³	Сув. м ³
ФБС 240406	0,162	0,25	0,51	0,104

Оптималлаштирилган таркиблар 11-жадвалда келтирилган

11-жадвал

«Тахиаташ темир бетон» МЧЖ комплекс модификацияланган бетон қоришмасининг оптималлаштирилган таркиби

Маҳсулот номи	1м ³ бетон қоришмасига материаллар сарфи (номинал таркиб)						
	Цем. тн	Барх. қуми. м ³	Чақиқ тош. м ³	Сув. м ³	СП. кг	МК. кг	МГ. кг
ФБС 240406	0,138	0,253	0,52	0,103	1,6	24	0,08

Буғ билан ишлов бериш жараёни тугалланганидан сўнг намуна-кублар амалдаги ГОСТларга мувофиқ сиқилишга мустаҳкамликка, сув ўтказмасликка ва совуққа чидамликка синаб кўрилди. Синов натижалари 12-13-жадвалда келтирилган.

12-жадвал

«Евро бетон» заводи МЧЖ бетон намуналарининг мустаҳкамликка (R_c , МПа), сув ўтказмасликка (W) ва совуққа чидамликка (F) ўтказилган синовлари натижалари

Маҳсулот номи	Бетон таркиби	Бетон тоифаси	КЧ см	Бетон хоссалари кўрсаткичлари		
				R_c , МПа	W , марка	F , марка
ФБС 240406	Ишлаб чиқариш учун	B7,5	1-4	8,2	W2	F200
	Оптималлаштирилган	B7,5	5	8,7	W6	F400
Товар бетон	Ишлаб чиқариш учун	B15	5	19,6	W2	F200
	Оптималлаштирилган	B15	8	20,2	W4	F300

13-жадвал

«Тахиаташ темир бетон» заводи МЧЖ бетон намуналарининг мустаҳкамликка ($R_{тво}$, МПа), сув ўтказмасликка (W) ва совуққа чидамликка (F) ўтказилган синовлари натижалари

Маҳсулот номи	Бетон таркиби	Бетон тоифаси	КЧ См	Бетон хоссалари кўрсаткичлари		
				R_c , МПа	W , марка	F , марка
ФБС 240406	Ишлаб чиқариш	B7,5	1-4	8,0	W2	F200
	Оптималлаштирилган	B7,5	5	8,5	W6	F400

Натижада қуйидаги миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқарилди:

- «Евро бетон» заводи МЧЖда ФБС 240406 -50 дона ва 30 м³ товар бетон;
- «Тахиаташ темир бетон» заводи МЧЖ да ФБС 240406 -40 дона.

Татбиқ этиш натижаларига кўра ТБМ заводларда тегишли далолатномалар олинди. Олинган натижаларни берилган далолатномалар асосида кўриб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигидан 2021 йил 05-сентябрдаги №01-07/01-1995 маълумотнома олинди.

Ишлаб чиқилган бетон оптимал таркиби ва комплекс қўшимчали бетон технологиясини йиғма бетон ва темирбетон ишлаб чиқаришга татбиқ этилишидан олинган иқтисодий самара «Евро бетон» заводи МЧЖ да 420,5 млн. сўм., ва ООО «Тахиаташ темир бетон» МЧЖда -265,8 млн. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

«Эксплуатацион хоссалари яхшиланган комплекс модификацияланган бетон» докторлик (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган экспериментал-назарий тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, бетоннинг узок муддат ишлаши унга салбий таъсир кўрсатадиган об-ҳаво омилларининг таъсирига боғлиқ. Бетон қоришмаси таркибини минерал ва кимёвий модификаторлар билан мувофиқлаштириб, бетон маҳсулотларининг юқори даражадаги зичлигини ва шунинг оқибатида узок муддат ишлашини таъминлаш мумкин бўлади.

2. Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариладиган цементлардаги поликарбонат суперпластификатор ва модификацияланган гидрофобизаторли минерал тўлдирувчини комплекс қўллашда бетондаги цемент тоши микроструктурасининг ўзгаришларида шу нарса аниқландики, оптимал миқдордаги (0,8 %) поликарбонат СП ни қўшиш қотиш муддатининг 28 кунга келиб максимал, яъни 52 МПа қаттиқлик бериб, бунда Са(ОН)₂ даражасини 9,3 % дан 7,4 % гача пасайтирар экан. Структура асосан кучсиз кристаллашган С–S–Н(II) фазадан, тоберморит ва С–S– Н(I) фаза қўшилмалари билан шаклланиб, цемент тошига микрокремнезем қўшиш таркибдаги портлантит миқдорини 4,8 % гача камайтирса, гидросиликатли янги ҳосилалар эса қуйи асосли кучсиз кристаллашган кальций гидросиликатлари пластинкасимон структурали, С–S–Н(I) типли тоберморитдан шаклланади.

3. Фаол минерал қўшимчанинг СП ва модификацияланган метилсиликонат билан бирга цемент тоши таркибига киритилиши шакллантирилаётган гидратли фазаларнинг цикли қуришидан ва музлашдан кейинги чидамлилиги ва ўзгармаслигини оширади, шу билан бирга фақат пластификацияловчи қўшимчалар қўшиш эса цикли таъсирларга бардошлиликни таъминламайди.

4. Портлантитни боғлаш устувор равишда қуйи асосли пластинкасимон тузилган, кучсиз кристаллашган кальций гидросиликатлари ҳосил бўлишига кўмаклашиб, улар, ўз навбатида, ғоваклилик даражасини пасайтиради ва бу цемент тошининг ҳарорат-намлик таъсирларига бардошлилигини таъминлайди.

Шундай қилиб, ҳам мустаҳкамлик, ҳам эксплуатацион кўрсаткичларни таъминлаб берадиган зарур композицион цемент боғловчисини олиш учун уларни СП=0,8÷1 %, МК=8-10 %, МГ=0,05 % миқдорида қўшиш талаб этилади.

5. Аниқланишича, бетон мустаҳкамлигининг қўшимчасиз таркибга нисбатан энг юқори даражага эришиши 30–35 %, 28 кун давомидаги нормал қотиш шароитларида доимий С/Ц = 0,31 бўлганида гидрат поликарбоксилат суперпластификатори, микрокремнезем ва модификацияланган гидрофобизатор қўшиш ҳисобига фазаларнинг заиф кристаллашган структурасини йўналтирилган тарздаги шакллантирилиши билан эришилади.

6. СП ва МК қўшимчалари қўшиш бетоннинг нормал шароитларда мустаҳкамлашиб боришини тезлаштиради – масалан бир кунлик сиқилишга мустаҳкамлик 15 МПа ни ташкил қилиб, у СП, МК ва МГ кўрсаткичларидан 36 %, қўшимча қўшилмаган намуналар кўрсаткичларидан эса – 68 % га юқоридир.

7. Оғир бетоннинг совуққа чидамлилигини ошиб боришининг асосий сабаби С/Ц нинг доимий қийматида, цемент тоши структурасининг бир вақтнинг ўзида пуццоланлаштириш ва аморфлаштириш ҳисобланиб, бу қўшимчасиз намуналарнинг совуққа чидамлилик хусусиятларига нисбатан совуққа чидамлилик даражасининг МГ қўшимча қўшилган маркаларнинг F 100 дан F 300 гача ва СП, МК қўшимчалари қўшилган маркаларнинг F 500 гача кўтарилиши билан боғлиқ.

8. Комплекс қўшимчали бетоннинг оптимал таркиблари ва технологиясини тажриба-ишлаб чиқариш мақсадидаги татбиқ этиш натижалари таклиф этилган ишланмаларнинг ишлаб чиқариш шароитларидаги юксак самарадорлигини намойиш этдилар. Таркибларнинг татбиқ этилиши бетоннинг барча физик-механик ва эксплуатацион хоссалари асосий кўрсаткичларини сақлаб қолган ва яхшилаган ҳолда цементнинг 20 % миқдорида тежалишига эришиш имконини берди.

9. Ишлаб чиқилган комплекс қўшимчали бетоннинг оптимал таркиби ва технологиясидан йиғма бетон ва темирбетон ишлаб чиқаришига татбиқ этилишидан олинадиган иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилди. Комплекс қўшимчали бетоннинг оптимал таркибларини ва унинг технологиясини «ЕВРО БЕТОН» заводи МЧЖда йиғма бетон ва темирбетон ишлаб чиқаришга татбиқ этилишидан кутилаётган йиллик иқтисодий самара 420,5 млн. сўмни, ООО «Тахиаташ темир бетон». -265,8 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУРГАЕВ ЖАМБУЛ АДИБАЕВИЧ

**КОМПЛЕКСНО МОДИФИЦИРОВАННЫЙ БЕТОН С УЛУЧШЕННЫМИ
ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМИ СВОЙСТВАМИ**

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/T2010

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Цой Владимир Михайлович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Баходиров Азизбек Абдулазизович
доктор технических наук, профессор

Турапов Махмуд Турапович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «28» декабрь 2021 года в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, (Адрес: 100011, г. Тошкент, ул. Абдулла Кадири, дом 7в. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №66). (Адрес: 100084, г. Тошкент, Кичик Халка йўли, д. 7. Тел.: (99871) 232-43-30 факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz), (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «13» декабрь 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 6 от «17» ноябрь 2021 года).



Х.А. Акрамов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Б.А. Аскаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике строительства цементный бетон является самым востребованным строительным материалом. Статистика “Международной федерации по конструкционному бетону”¹ «International Federation for Struktural Concrete», показывает что, ежегодный выпуск цемента в мире составляет примерно 4,2 млрд. тонн, а бетона 12,5 млрд. м³ в год. За последние десятилетия в области технологии цементного бетона были достигнуты значительные достижения. Наиболее существенные результаты были достигнуты в вопросах проектирования и оптимизации многокомпонентных бетонов с использованием комплекса минеральных и химических модификаторов, совершенствование существующих технологий производства с целью увеличения эксплуатационных характеристик бетона.

Мировая практика строительства показывает, что для получения высококачественных бетонов с комплексом заранее заданных свойств необходимо применять не только химические модификаторы, но и высокоактивные минеральные наполнители. Применение такого комплекса добавок позволяет регулировать формирование структуры цементного камня, отличающейся высокой плотностью, низкой капиллярной пористостью, повышенным содержанием гидратных новообразований. Таким образом, на сегодняшний день применение комплексных высокоактивных добавок на основе химических модификаторов и минеральных наполнителей является самым доступным и простым способом получения бетонов с улучшенными физико-механическими и эксплуатационными показателями.

В Республике достигнуты существенные результаты в области повышения качества цементных бетонов за счет большого многообразия химических модификаторов и местных минеральных наполнителей. Несмотря на это, возникает крайняя необходимость в возобновлении научно-исследовательских работ, направленных на дальнейшее повышение долговечности бетонных и железобетонных конструкций зданий и сооружений, за счет направленного структурообразования цементных бетонов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусматривается “... развитие производственных направлений, модернизация и диверсификация промышленности, применение на практике недорогих энергоэффективных методов, развитие промышленности по производству строительных материалов...”². Для реализации этих задач немаловажным является создание и совершенствование существующих технологий производств высококачественных конструкций и изделий с использованием комплексных модификаторов.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»,

¹ <http://enciklopediyastroj.ru>, <https://link.springer.com>

² Указ президента Республика Узбекистан от 7 февраля 2017 году № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 года ПП-3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения на территории Республики Узбекистан» и Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 сентября 2016 года ПП-2615 «О программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016-2020 годы», а так же других нормативно-правовых документов, принятых в данном диссертационном исследовании в определенной степени.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан II - «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В проблеме улучшения эксплуатационных и прочностных характеристик цементных бетонов, немаловажное место занимают исследования в области модификации структуры бетонов комплексными модификаторами. Основы использования таких добавок в цементных системах заложили известные зарубежные ученые В.М. Москвин, И.П. Александрин, Ю.М. Баженов, В.И. Соломатов, В.Г. Батраков, И.Н. Ахвердов, Г.Г. Вагнер, А.В. Волженский, Г.И. Горчаков, В.С. Демьянова, П.Г. Комохов, В.И. Калашников, С.В. Шестоперов, А.Е. Шейкин, V. Yogendran R. Fere, S. Sarcar, G. Hintze, F.J. Hogan, L.U. Spellman, H. Uchikawa, Sh. Hanehara, F. Lallard, T.S. Do, A. Durecovic, и др.

В Республике Узбекистан научными исследованиями по применению комплексных-модифицирующих добавок в различные годы занимались Э.У. Касымов, М.К. Тахиров, Н.А. Самигов, А.И. Адилходжаев, Х.Х. Камиллов, Б.Б. Хасанов, У.А. Газиев, Н.Х. Талипов, А.А. Тулаганов, И.М. Махаматалиев, В.М. Цой и другие, они достигли значительных результатов в этой области на основе своих исследований на протяжении многих лет.

